

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2017 йил „ 29 “ декабрь

№ ПК-3451

“ ” 20 г.

**Хорижий давлатларда кўргазма тадбирларини ўтказиш учун
мўлжалланган товарларни олиб чиқиш тартибини соддалаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ва ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотларнинг ташки бозорларда рақобатбардошлигини ошириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Салоҳиятли чет эллик шерикларни топиш ва маҳаллий маҳсулотларни ташки бозорларга чиқариш мақсадида 2017 йилда тадбиркорлик субъектлари 24 та хорижий давлатда ўтказилган 88 та халқаро кўргазма ва ярмаркада иштирок этди. Ушбу тадбирлар яқунлари бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни етказиб бериш бўйича умумий қиймати 1,3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ экспорт контрактлари тузилди.

Экспортга етказиб бериш ҳажмларини кўпайтириш ва кўламини кенгайтиришга доир амалга оширилаётган ишлар доирасида 2018 йилда мамлакатимиз экспорт қилувчиларининг 25 та хорижий давлатда ўтказиладиган 123 та халқаро кўргазма ва ярмаркада иштирок этиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, бу борадаги ўрганишлар шундан далолат берадики, реклама-кўргазма маҳсулотларини расмийлаштириш ва олиб чиқиш бўйича амалдаги тартиб тадбиркорлик субъектларининг кенг кўламли имкониятларини чеклаб қўймоқда, уларнинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш самарадорлигини пасайтирумокда.

Хорижий давлатларда кўргазма тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган товарларни олиб чиқиш тартибини соддалаштириш, шунингдек, маҳаллий маҳсулотларни экспорт ҳажмларини кўпайтириш ва уларни кўламини кенгайтириш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, тадбиркорлик субъектларига хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда намойиш этиш учун мўлжалланган қиймати беш минг АҚШ долларигача бўлган товарларни экспорт контракти тузмасдан ҳамда божхона юк декларациясини

расмийлаштирмасдан, товарларнинг юк хужжатларига мувофиқ олиб чиқишига рухсат этилсин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сонли қарорига иловада қайд этилган товарлар бундан мустасно.

2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг 1-бандига мувофиқ олиб чиқиладиган товарларни сотища тадбиркорлик субъектлари уларни сотишдан тушадиган маблағларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидағи ўз ҳисобрақамларига, шу жумладан банк ўтказмалари, шунингдек, хорижий валютадаги нақд пул шаклида киритиш хукуқига эга.

3. Тадбиркорлик субъектлари хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазмаларда (ярмаркаларда) намойиш этиш учун мўлжалланган товарларни олиб чиқишида кесиб ўтиладиган чегара божхона постини хорижий давлатлардаги кўргазмада (ярмаркада) уларнинг иштирок этиш режалаштирилаётгани, тадбир ўтказиладиган жой, унинг муддати ва вақти, шунингдек, олиб чиқиладиган товарлар (номи, миқдори ва қиймати) тўғрисида хабардор қиласди.

Божхона органига тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилиги юзасидан тадбиркорлик субъектлари қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитаси, Марказий банки ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқаруви раиси Н.С.Отажонов, Ташқи савдо вазири Ж.А.Хўжаев ва Давлат божхона қўмитаси раиси М.В.Тоҳирий зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев